

А Ж Р И М

2023 йил ноябрь ойининг 24 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси Жомбой туман «Зарафшон» маҳалла биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков,

Судья ёрдамчиси: Д.Тўхтаевнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси
Ҳ.Тошбоевнинг иштирокида,

Булунғур туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевични жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳукмига кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмини ЖК 73-моддаси тартибида муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги № 1-1405-2201/126-сонли тақдимномасини иш ҳужжатлари билан биргаликда кўрди.

Маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевич, 1982 йил 13 октябрда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, соғлом, муқаддам:

2023 йил 3 февралда жиноят ишлари бўйича Булунғур туман суди томонидан ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 9 ой 17 кун муддатини ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 2 ой 13 кунни ташкил қилади, Булунғур туманидаги «Хилпин Она Минерал суви» МЧЖда ишлаб жазо муддатини ўтаб келмоқда, Жомбой туман, «Қорамуйин» маҳалласида яшайди.

Суд, очик суд мажлисида томонларнинг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Булунғур туман ИИБ бошлиғи судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, тақдимномада маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевич, 2023 йил 3 февралда жиноят ишлари бўйича Булунғур туман суди томонидан ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 9 ой 17 кун муддатини ўтаганлиги, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 2 ой 13 кунни ташкил қилишлиги, айти вақтда маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевичга тайинланган жазо муддатининг 1/3 қисмини ўтаганлиги сабабли, ЖК 73-моддаси 3-қисмининг «а» бандига асосан, жазо муддатининг ўтамасдан қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Суд қуйидаги асосларга кўра тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди. Жумладан,



Маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевич судда, ҳақиқатан ҳам унга 2023 йил 3 февралда жиноят ишлари бўйича Булунғур туман суди томонидан ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 9 ой 17 кун муддатини ўтаганлиги, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 2 ой 13 кунни ташкил қилишлиги, жазони Булунғур туманидаги «Хилпин Она Минерал суви» МЧЖда ишлаб жазо муддатини ўтаб келаётганлиги, тайинланган жазо муддатининг 1/3 қисмини амалда тўлиқ ўтаганлигини, содир этган жинойи қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини тушуниб етганлигини, келгусида жиноят содир этмаслиги ва жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланишлигини, жазо муддатининг ўтамасдан қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишлигини сўраган.

ЖК 73-моддаси 3-қисмининг «а» бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатдан ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевич томонидан содир этилган жиноят ЖК 15-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради, айти вақтда у тайинланган жазо муддатини 1/3 қисмини ҳақиқатда ўтаган.

Шу сабабли суд, Булунғур туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириб, маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевични ўталмай қолган 1 йил 2 ой 13 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан ЖК 73-моддаси 3-қисмининг «а» бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 423, 536-моддаларини қўллаб, ажрим қилди,

А Ж Р И М :

Булунғур туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевич, унга 2023 йил 3 февралдаги жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг ҳукми билан тайинланган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 1 йил 2 ой 13 кунини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг «а» бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум Уташев Хуршид Хоқбердиевичга ЖК 73-моддасининг 5-қисми талаби тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят беришга ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

А.Абдураззаков



Ҳужжат имзоланган: Абдураззаков Абдусаттор Азаматович, 24.11.2023

